

Президент ташрифидан сўнг

КЎҲНА ҚЎҚОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Давлатимиз раҳбари-нинг Фарғона вилоятига ҳар бир ташрифи вилоят аҳли ҳаётида янги саҳифа очади. Бу галгиси ҳам аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларга бой бўлди. Шавкат Мирзиёев ташрифни Қўқон шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» массиви — инсонлар орзулари ушалган бахт масканидан бошлади.



Қайд этиш жоиз, бундан икки йил аввал Президентимиз Қўқон аҳолисининг янги уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида «Янги Ўзбекистон» массивини барпо этиш топширигини берган эдилар. Шундан сўнг собиқ ёр-мой комбинати ўрнида қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Аввалбошда бу ерда кўп қаватли уйлар қад ростлашига кимдир ишонди, баъзи бировлар эса, шубҳа билан қарашди. Лекин қисқа вақт ичида маънан эскирган, ишлаб чиқариш даражаси паст завод ўрнида замонавий шаҳарсозлик намуналарини ўзида мужассам этган 84 та кўп қаватли уй барпо этилди.

Аҳоли зич жойлашган Қўқон шаҳрида уй-жойга бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бораётган бир шароитда 25 минг аҳолига мўлжалланган «Янги Ўзбекистон» массивининг барпо этилиши мазкур лойиҳанинг аҳамиятини янада аққол намоён этди. Эзгу ташаб-

буснинг биринчи босқичида 4 минг 394 та хонадондан иборат 56 та ўн қаватли уй фойдаланишга топширилди. Массивни барпо этиш учун жами 1 триллион 850 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Худудда 84 та кўп қаватли уй билан бирга, замонавий мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, олий ўқув юртлири, бизнес ва савдо марказлари ҳамда истироҳат боғлари барпо этилмоқда.

Албатта, барча қулайликларни ўзида мужассам этган, замонавий архитектура талабларига тўла жавоб берадиган бундай массив барпо этилишини тарихий воқеа, десак, муболага бўлмайди. Бунга етарли асосимиз ҳам бор.

Қўқонликлар яхши билишади, шу кунгача шаҳарда фақат битта 9 қаватли уй мавжуд эди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфаси узок йиллар давомида паст қаватли бинолардан иборат бўлиб келганини кўрсатади. Президентимиз ташаббуси билан бошлан-

ган ислохотлар самараси ўлароқ «Янги Ўзбекистон» массивида кўп қаватли уйлар қурилиши шаҳар инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқди. Улар нафақат ташқи кўриниши, балки ички инфратузилмаси билан ҳам аҳамиятлидир. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий лифтлар, болалар майдончалари, яшил худудлар, автотураргоҳлар — барчаси қулай ва фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилади. Бу ерда барпо этилган мактабгача таълим ташкилотлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари эса мажмуани шаҳар ичидаги шаҳарга айлантирмоқда.

— Қўқоннинг гўзал гўшасига айланган «Янги Ўзбекистон» массивидан хонадон олиб, кўчиб келдик, — дейди Наргизахон Азизова. — Ўзимизни худди пойтахтда яшайётгандек ҳис қиляпмиз. Чунки бу ердаги шарт-шароитлар пойтахтдагидан асло қолишмайди. Шаҳар бутун янгиланиш ва та-

раққиёт рамзига айланди. Бундан жуда мамнунмиз.

— Бир пайтлар завод атрофидаги аҳоли чигитни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган ҳидга чидашга мажбур эди, — дейди Улғабек Норов. — Ҳаётимизга меҳмон келса, ўтиролмасди. Замона зайли билан бу жойларда кўркам маскан барпо этилишини қим ҳам ўйлабди, дейсиз?.. Дилимда борини айтсам, гўзалликдан кўзларим қувнаётти, қалбим ёришяпти.

Дарҳақиқат, Қўқон бугун нафақат тарихи, балки янгиланиш жараёни билан ҳам ўзини намоён этяпти. Унда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон қадири учун, деган шioriнинг ҳаётдаги ёрқин ифодасидир. Бу ўзгаришлар нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»



«СИЗНИНГ ПРЕЗИДЕНТИНГИЗ — БУЮК ЕТАКЧИ» — АНДРЕЙ БАБИШ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Чехия бош вазирдан эксклюзив интервью олдик.

Андрей Бабиш Ўзбекистоннинг бу қадар ривожлангани ва айниқса ёшларимизнинг билим даражасини кўриб ҳайратланганини таъкидлади.

У, шунингдек, иқтисодий салоҳиятимиз ва имкониятларимизни юқори баҳолаб, мамлакатимизга аввалроқ келмагандан афсусда эканини билдирди.

Андрей Бабиш Skoda компанияси томонидан Ўзбекистонга поездлар етказиб бериш бўйича шартнома имзоланганини ҳам алоҳида олқишлади.



Мазкур
интервьюни
журналист
Жаҳонгир
Олимовнинг
телеграмдаги
расмий
каналида
кўринг:



@JAHONGIROLIMO
V_RASMIY



ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕХИЯ: МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29-30 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф
тафсилотлари
билан танишиш
учун қуйидаги
ҳаволага ўтинг:



МЕҲНАТ МУҲИТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Андижонда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигининг асосий йўналишлари мавзусига доир минтақавий семинарнинг муҳокама мавзуси шу ҳақда бўлди

Федерация масъуллари, Фарғона водийси вилоятлари касаба уюшма тизими вакиллари иштирок этишган семинарда ХМТнинг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё сектори муdiri Сергеюс Гловацкас ташкилот фаолияти, бугунги кунда меҳнат муносабатлари соҳасида кузатилаётган тенденциялар, юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал этиш йўллари, Федерация билан ўзаро ҳамкорлигининг турли йўналишларида қўлга киритилаётган натижалар хусусида сўз юритди.

Тадбирда Федерациянинг IX Қурултойи қарорлари ижросининг таъминлигини Андижон вилояти мисолида таҳлил этилди. Вилоят кенгаши раиси Абдуҷаббор Эгамбердиевнинг қайд этишича, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссия томонидан ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклиқни ривожлантириш, муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш йўналишларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг уч ойи давомида комиссия томонидан 5 та муҳим масала муҳокама этилиб, те-



гишли қарорлар қабул қилинган ва барча мутасадди ташкилотларга ижро учун юборилган. Худудда 2026 йил 1 март ҳолатига 1 та худудий жамоа келишуви, 37 та тармоқ худудий

жамоа келишуви тузилишига эришилди.

Жамоатчиликка маълум, жорий йилда Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини «Соғлом психоло-

гик-ижтимоий меҳнат муҳитини таъминлайлик» шиори остида ўтказилди. Нега? Чунки айрим ташкилотларда кузатилаётган ходимларга нисбатан руҳий босим, иш бе-

рувчи ва ходимлар ўртасида эркин мулоқотнинг йўқлиги каби қатор жиҳатлар касаллик варақаларининг кўпайишига, иқтидорли кадрларнинг йўқотилишига олиб келмоқда. Чунки ходим иш унумдорлигини ошириш, фаолиятни яхшилаш бўйича нуқтаи назарини ўз раҳбариятига эмин-эркин етказиш олмас экан, маъмурият томонидан жамоа аъзоларининг соғлом фикрлари инobatга олинмас, ўртада кўринмас қалин девор пайдо бўлади. Табиийки, ўзининг қадрини билган малакали мутахассислар ноқулай шароитдан воз кечиб, жамоада яхшироқ маънавий муҳит қарор топган, меҳнат балоидроқ баҳоланадиган ишларни қидиришга тушиб кетади. Умуман, бугун бугун дунёда иш ўринларининг ҳар томонлама жозибадорлигини ошириш муҳим масалага айланган. Федерациянинг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими муdiri Нодира Ғоибназарова ўз чиқишида шу каби тенденциялар, юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш йўллари, бунда касаба уюшмаларининг ўрни хусусида тўхталиди.

Семинарда Федерация раиси ўринбосари Сайфулло Аҳмедов, Меҳнаткашларнинг ижтимо-

ий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими муdiri Махмуджон Исаев, Юридик бўлими муdiri Ҳамидулло Премкулов, Федерациянинг Андижон вилояти кенгаши бўлими муdiri Ҳамидулло Матисаев ва бошқалар кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан сўз олдилар. Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йиллар учун тузилган Бош жамоа келишувининг мазмун-моҳияти, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар масалаларига оид мунозаралар жараёнида иштирокчиларни ўйлантираётган саволларга ҳам батафсил жавоб берилди.

Шу куни «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Ташкилот, корхона ва муассасаларда соғлом ва хавфсиз муҳит яратилишига муносиб ҳисса қўшиб, кўпларга намуна бўлаётган бир гуруҳ мутахассислар меҳнати эътироф этилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»



Ўқув

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ МУҲИМ МАСАЛА

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кuni муносабати билан иш жойларидаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ана шу мақсадда «Соғлом психологик-ижтимоий иш муҳитини таъминлайлик» мавзусида ўқув-семинар ташкил этди. Унда меҳнат жамоаларида хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари хусусида сўз борди. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишда ижтимоий шериклики кучайтириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини яратиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш иш унумдорлиги ошишида муҳим омил ҳисобланади.

Тадбир асноси «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» республика қўриқ-танлови ғолиблари аниқланиб, муносиб тақдирланди. Ҳакамлар ҳайъатининг яқдил қарорига кўра, 34 та ташкилот бундай рағбатга муносиб, деб топилди.

– Танловда ғолиб бўлиш осон кечмади, – деди Ниятулло Мелиқулов. – Соҳага оид кўп янги билимларни эгалладим. Улар келгуси фаолиятимда асқатиши шубҳасиз.

Феруза РАҲИМОВА,
«ISHONCH»
Мирнодир МИРАКМАЛОВ олган сурат

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК – МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

Термиз давлат университети раҳбарияти ҳамда университет касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига мувофиқ, дастлаб жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси юзасидан иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ҳисоботлари тингланди. Маърузаларда йил давомида ходим-

ларни ижтимоий-иқтисодий, моддий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган тизимли ишлар алоҳида таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиққанлар ходимлар учун яратилган муносиб меҳнат шароитлари, таъминланган ижтимоий ҳимоя чоралари ҳамда жамоадаги соғлом муҳитни эътироф этиб, жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича берилган ҳисоботларни юқори баҳоладилар.

Йиғилиш якунида муҳим

қарор қабул қилинди: амалдаги жамоа шартномасининг муддати тугагани муносабати билан Термиз давлат университети маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси тасдиқланди.

Бахтиёр ХОЛИЁРОВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгашининг
Сурхондарё
вилояти бўйича масъул
ташкilotчиси

ТАРИХ ВА ЭЪТИРОФ УЙЎНЛИГИ

моя қилиш йўлидаги сазй-ҳаракатлар атрофлича ёритилганини таъкидлади. Шунингдек, нашрда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонлар, уларнинг ибратли фаолияти ва ҳаётий тажрибаси ҳақида қизиқарли маълумотлар ўрин олганига урғу берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар китоб нафақат тарихий манба, балки келажақ авлод учун муҳим дастуриламал бўлишини эътироф этишди.

– Бу китобни ўзгача меҳр билан ўқидим, – дейди меҳнат фахрийси Ҳамидхон Дадабоев. – Чунки унда биз босиб

манзур бўлган шахмат баҳсларида эркаклар ўртасида 13-мактаб ўқитувчиси Равшан Кургановга, аёллар ўртасида 17-мактаб ўқитувчиси Гулбаҳор Мирзаевага тенг келадигани топилмади. Стол теннисида эса эркаклардан 12-мактаб

ўтган машаққатли ҳамда шарафли йўллар ва эришилган ютуқлар ўз аксини топган. Бу китоб биз учун катта ифтихордир.

Тадбир давомида китоб муаллифлари ва уни тайёрлашда иштирок этган ижодкорларга миннатдорлик билдирилди. Шунингдек, иштирокчиларга китоблар тақдим этилди.

Қосимжон ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Наманган вилояти
кенгаши раиси ўринбосари

Мусобақа

ўқитувчиси Давлат Таймуратов, аёллардан 11-мактаб ўқитувчиси Хуршида Шарипова юқори натижага эришди.

Мусобақа якунида иштирокчилар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзаёул тумани кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Мурод БЕКҚУЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Мирзаёул тумани
кенгаши раиси

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг –
Ки, бўлсун Нух умрича ҳаётинг.
Алишер Навоий

ЁШ АВЛОД КЎЗИДАГИ ИШОНЧ

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг вилоят бўйича масъул ташкilotчиси Анора Бобомуродовалар сўзга чиқиб, таълим тизимидаги ислохотлар ҳамда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот бердилар, ёшларни билим олиш билан бир қаторда,

касб-ҳунар ўрганишга ундадилар. Ўз навбатида, ёшлар ҳам билдирилаётган ишонч ва кўрсатилаётган эътиборга жавобан юрт равнақи йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Учрашув якунида фаол ва ташаббускор ёш ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар ташаккурнома, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Муҳими, «Раҳбар ва ёшлар» му-

лоқоти ёш авлодга эътибор – келажакка инвестиция эканини яна бир бор исботлади. Бундай учрашувлар ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим платформа вазифасини ўтайди.

Дилафрўз ЎРОЗОВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Навоий вилояти кенгаши
раисининг ёшлар
масалалари бўйича
маслаҳатчиси

Мулоқот

Фаолият

ХОДИМЛАР ҲАМЖИҲАТ БЎЛСА...

«Худудгаз Қорақалпоғистон» газ таъминоти филиали касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган.

Жамоа шартномаси доирасида ходимлар учун қўшимча имтиёзлар жорий этилмоқда. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат шароитларини халқаро стандартларга мослаштириш борасида аниқ чоралар кўрилмоқда.

Филиалдаги ишлаб чиқариш объектларида замонавий маиший хоналар ташкил этилган, ходимлар махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Зарарли шароитда меҳнат қилаётганлар учун қўшимча озик-овқат ва гигиеник воситалар бериб берилмоқда. Уларнинг мазмунли дам олишини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Театрга ташрифлар, жамоавий саёҳатлар йўлга қўйилган. Хусусан, 50 нафардан зиёд ходим мамлакатимизнинг диққатга сазовор масканларини зиёрат қилиб келишди. 12 нафар ходим санаторийларда соғломлаштирилди.

Ижтимоий ҳимоя масалаларида манзилли ёрдам тизими шаклланган. Жумладан, оилавий шароити оғир бўлган нафақадаги Абатбай Байниязовга моддий қўмак кўрсатилди. Шунингдек, турли ҳаётий қийинчиликларга дуч келган 24 нафар ходимга бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Бундан ташқари, жамоа шартномаси асосида оғир операция бўлган ёки хавfli касалликларга чалинган ходимлар ҳам эътибордан четда қолмади. Уларнинг яқинлари учун операция харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилди. Ушбу мақсадлар учун 20,6 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Жамоада маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказиб борилади. Натижада ходимлар ўртасида ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланмоқда. Айниқса, меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилгани боис сўнгги йилларда ишлаб чиқаришда бирорта ҳам бахтсиз ҳодиса қайд этилмади.

Қуат КУДАЙБЕРГЕНОВ,
«Худудгаз Қорақалпоғистон»
газ таъминоти филиали касаба
уюшмаси қўмитаси раиси

Форум

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши томонидан «Халқ депутатлари кенгашлари ҳузуридаги ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш: ижтимоий шериклик, ташаббус ва ҳудудларни ривожлантиришдаги ўрни» мавзусида ёшлар форуми ташкил этилди.

ЁШЛАР МАСЛАҲАТ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Депутатлар, Ёшлар парламенти аъзолари, касаба уюшмалари вакиллари, тармоқ раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлардаги ёшлар маслаҳат гуруҳлари аъзоларидан иборат 200 нафар иштирокчини қамраб олган бу тадбирни халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши раиси Алтибай Раджабов очиб берди. Олий Мажлис Сенати аъзоси Сайёра Абдикаримова мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларнинг аҳамияти ҳақида нуқт сўзлади.

Форумда ҳудудларда ёшлар билан ишлаш самардорлигини ошириш, ижтимоий шериклик асосида

ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбанбаева ёшлар маслаҳат гуруҳларининг аҳамияти, уларнинг жамиятдаги ўрни ва имкониятларига тўхталди.

Шундан сўнг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ва касаба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш маросими ўтказилди. Мазкур ҳужжат келгусида ёшлар билан ишлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни ривожлантиришда ўзаро ҳам-

корликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир жараёнида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари Ёшлар маслаҳат гуруҳи жамоаларидан иборат 84 нафар ёш иштирок этиб, ўз сиёсий, ижтимоий билимларини, зукколикларини намойиш қилдилар. Ғолиб ва совриндорлар ташкilotчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Нигора ПОЛВОНОВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Хоразм вилояти кенгаши
етакчи мутахассиси

Осон қўлга киритилган бахт узоқ давом этмайди.
Габриэл Гарсиа Маркес



Бир танишим қутилмаганда омонатини топширди. Ваҳоланки, тўрт мучаси соғлом, спорт билан мунтазам шуғулланарди. Оилада ёлғиз ўғил. Отаси қазо қилгач, онаси, аёли ва болаларининг ягона боқувчиси бўлиб қолганди. Топиш-тутиши ҳам эл қатори эди.

Маъракалар ўтар-ўтмас, уйига банкдан келишибди. Маълум бўлишича, микроқарзи бор, бу ҳам етмагандек, муддатли тўловга бир нечта маиший техника харид қилган экан. Онаси ва аёли ишсиз. Ундан қолган қарзларни қандай узишни билмай, жони ҳалак...

Бир ўйлаб кўринг. Агрофингиздаги қайси яқинингиз ёки танишингиз насия савдога бирон-бир маиший техника харид қилмаган ёки микроқарз олмаган? Борми шунақиси? Менимча, йўқ! Айниқса, ёш оилалар ойлик даромадининг катта қисмини қарз тўлашга сарфламоқда.

Хўш, нега шундай бўляпти? Табиийки, бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Биринчидан, ортиқча хою ҳавасга берилдик. Иккинчидан, кундалик эҳтиёж ва мажбуриятлар. Учинчидан, одамлар буни ҳеч қандай хавотирсиз, жуда жўн ва оддий қабул қиялпти. Тўртинчидан, талаб бор жойда таклиф ҳам юқори бўлади.

Ҳозир молиявий муносабатлар тез ўзгармоқда. Дярли ҳар ой янги кредит маҳсулотлари, янги тўлов шакллари пайдо бўлмоқда. Бир қарашда, бу жараён жамиятнинг модернизациялашуви, аҳоли учун янги имкониятлар эшиги очилиши сифатида кўриниши мумкин. Лекин иқтисодий ҳолатни фақат ташқи кўриниши билан баҳолаш у қадар тўғри эмас. Чунки, ҳар бир рақам ортида инсоннинг кундалик ҳаёти, ижтимоий муаммолари мужассамлашган.

ҲАР ТОМЧИ СУВНИНГ ҚАДРИ

Юр்தа баҳор. Ёмғирли кунлар баракотидан эл шод. Ёмғир — сув. Сув — обиҳаёт. Бугун бу ҳақда гапирганда, кўпчилик ҳали ҳам уни туганмас неъмат, деб тасаввур қилади. Гўё дарёлар оқаверади, каналлар тўлиб-тошаверади, ер ости сувлари эса ҳеч қачон камаймайди. Бироқ глобал иқлим инқирози ва сув тақчиллиги муаммоси бу борадаги тасаввурларга чек қўйиб, инсонларни кенгроқ ўйлашга мажбур қилади.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қозғистонда бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгазининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиб, Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўри-лаётган чора-тадбирларга тўхталди. Қатор таклифларни илгари сурди. Бу бежиз эмас, албатта.

Баъзан энг катта муаммолар кўзга ташланмайди. Улар фавқулодда ҳа-барлар марказига чиқмайди, аммо аста-секин жамиятнинг ички қатла-мига сингиб, кундалик ҳаётимизни ўзгартириб юборади. Сув танқислиги шулардан бири. Марказий Осиё, ху-сусан, Ўзбекистон учун Амударё ва Сирдарё нафақат географик объект, балки бутун минтақанинг ҳаёт то-мири ҳисобланади. Қишлоқ хўжа-лиги, ичимлик суви, саноат — бар-часи шу манбаларга суянади. Лекин сўнгги йилларда бу «хаёт томилари» уриши сустлашиб бораётгандек. Дарё-лар сатҳи пасаймоқда, сув оқими ка-маймоқда, энг ёмони, жараён секин, аммо муттасил давом этмоқда.

Бунинг сабаб ва омиллари кўп. Иқ-лим ўзгариши вазиятни мураккаб-лаштирмоқда. Ҳарорат ошиши ту-файли музликлар эриб бормоқда. Улар камайгани сайин келажақда

Сўнгги йилларда, айниқса, истеъмол кредит-лари, онлайн расрочка ва микроқарз хизматлари оддий молиявий инструментдан кўра, ижтимоий ҳодисага айланиб улгурди. Телефон, мебель, маи-ший техника воситалари, ҳатто оддий кийим-ке-чак харид қилиш ҳам кредит орқали амалга оши-рилмоқда. Бу кўпчиликка қулай туюлаётган бўлиши мумкин. Зеро, «Ҳозир оламан, кейин бў-либ-бўлиб тўлайман», деган хулоса истеъмолчи учун оддий шиор эмас, балки ҳаёт тарзига ай-ланди.

Тўғри, ҳаммада ҳам бирон-бир маҳсулотни пу-лини тўлиқ тўлаб, сотиб олиш имкони бўлмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда, беш қўл баравар эмас. Агар кимдир заруратдан шу ишга қўл урса ва молиявий аҳволи қарзини ойма-ой узиб боришга етса, бунинг йўли бошқа. Бироқ моддий имкони бўлмаса-да, ке-рак-нокерак буюмни шунчаки ҳавас учун харид қи-лишнинг оқибати яхшилик билан тугамайди. Бунга кундалик ҳаётимизда кўп гувоҳ бўляпмиз. Қанча-дан-қанча одамлар ўйламай қилган ишининг жаб-рини тортиб, бошини қай деворга уришни билмай юрибди.

Таҳлилларга кўра, жисмоний шахсларга ажрати-лаётган истеъмол кредитлари ҳажми торбора ўсиб бормоқда. Шунга яраша муаммоли кредитлар ҳам юқориламоқда. Бу бир томондан молиявий бозор фаоллашуви сифатида талқин қилинса, иккинчи томондан кредитга қарамликни англатади.

дарёларни тўлдирадиган асосий манба ҳам йўқолади. Кургўқчилик бошланади.

Муаммони фақат табиатга юклаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Оғриқли ҳақиқат шундаки, унинг бош сабаби кўп ҳолларда ўзимизга, яъни сувга му-носабатимизга боғлиқ. Яъни инсон омили бу ерда хал қилувчи роль ўй-найди. Очиқ каналлар орқали суғо-риш тизими сувнинг катта қисмини йўқотади. Сув ерга етиб боргунча бугланади ёки сизиб кетади. Баъзан ортиқча сув берилиши боис тупроқ шўрланади. Оқибатда унумдорлик пасайиб, ҳосил камаяди, деҳқон яна кўпроқ сувга муҳтожлик сезади.

Хўш, биз сувни қадрлапмизми? Афсуски, йўқ. Очиқ қолдирилган жўмрақлар, керагидан ортиқ суғорил-ган томорқалар — буларнинг барчаси сувга нисбатан бепарволик белгиси.

Ичимлик сув масаласи бундан ҳам жиддийроқ. Айрим ҳудудларда одам-лар ҳали ҳам тоза ичимлик сувга муҳтож. Борлари ҳам талаб даража-сида эмас. Тоза сув соғлом ҳаёт асоси бўлиб, сифати ёмон бўлса, касаллик-лар кўпайишига ва иммунитет пасай-ишига сабабчи бўлади, соғлиққа сал-бий таъсир кўрсатади.

Бугун сув фақат экологик муаммо эмас. Бу иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий масалага айланган. Унинг

бири — рақамли муҳит таъсири. Ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва интернет тез-кор ва қулай мулоқотни талаб қилади. Шу-нинг учун одамлар вақтни тежаш мақса-дида сўзларни қисқартиришга интилади. Масалан, тўлиқ шакл ўрнига қисқартма-лар, аралаш ёки инглизча сўзлардан фой-даланиш оддий ҳолга айланди.

Бундан ташқари, ёшлар тили муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Яъни у инсонга маълум бир гуруҳга мансублик

Хавотирлиси, истеъмол кредитларидан фойда-ланувчилар орасида ёшлар улуши юқори экан. Ху-сусан, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган қатлам энг фаол иштирокчига айланган.

Бу тасодиф эмас. Чунки йигит-қизларда истеъ-мол эҳтиёжи юқори, бирон-бир мақомга эришиш истаги кучли, аммо эҳтиёж бор — молиявий имко-ният йўқ. Қизиққон, тез хулоса қилувчи шахсларда эса, иқтисодий ҳисоб-китоблар эмас, балки ҳиссий қарорлар устунлик қилади. Шу боис узоқ муддатли тўловга харид қилишни маъқул кўришяпти. Улар учун маҳсулотни ҳозир олиш муҳим, кейин қандай тўлаш иккинчи даражали масала.

Муаммога фақат иқтисодий нуқтан назардан қараш етарли эмас. Унда ижтимоий омиллар ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, ёшлар учун истеъмол фақат эҳтиёжни қондириш воситаси эмас, балки мақом ва «замонавийлик» белгиси ҳамдир. Қиммат смартфон, бренд кийим-кечак улар учун муҳим са-налади.

Ижтимоий тармоқлар эса, «Ҳозир ол — кейин тўла», деган қарашни янада кучайтирмоқда. Та-саввур қилинг, кимдир ўз саҳифаси орқали «идеал» ҳаётини кўз-кўз қилади. Табиийки, уни кўрган бош-қа биров шахсий ҳаёти билан таққослай бошлайди. Оқибатда молиявий қарор рационал эмас, балки со-лиштириш психологияси асосида қабул қилинади.

Бу ерда асосий муаммо кредитнинг қанчалигида эмас, уни тушуниш ва англаб етиш маданиятида. Зеро, молиявий саводхонлик даражаси етарли бўл-маган шароитда қабул қилинган қарор нотўғри тан-ловдир. Кўп ҳолларда умумий қарз юки, узоқ муд-датли мажбурият ва инфляция таъсири ҳисобга олинмайди. Улар учун асосий мезон ҳозирги эҳти-ёжни қондиришдан иборат.

Муддатли тўловни бир томонлама танқид қи-лиш ҳам адолатдан эмас, албатта. Чунки бу объек-тив жараён. Аҳоли даромадлари ўсishi, истеъмол бозорининг ривожланиши ва рақамли хизматлар кенгайиши кредитга бўлган талабни табиий ра-вишда оширади. Лекин у назоратсиз қолса, ижти-моий босим манбаига айланиши ҳеч гап эмас.

Нафсиламрини айтганда, масала кредитни чеклаш ёки уни тақиқлашда эмас, молиявий мада-ниятни шакллантириш, қарзни бошқариш кўник-масини ошириш ва қарорларни онгли равишда қа-бул қилишдадир. Агар инсон ўз даромади ва қарзи ўртасидаги муносабатни тўғри бошқармаса, ҳар қандай «осон кредит» охир-оқибат, «мураккаб тўлов»га айланиши мумкин.

Дарвоқе, марҳум танишимнинг қарзлари суд орқали ижобий ечим топиб, онаси ва аёли бу ташвишдан қутилди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Нуқтаи назар



ривожлантириш, рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш кабилар са-марадорлик омилидир.

Баъзан инсон «Менинг бир томчи сувни тежашим нимани ўзгарти-ради?» деган ҳаёлга боради. Лекин ай-нан шу фикр муаммонинг илдизи бў-лиши мумкин. Зеро, ҳар томчи сувда ҳаёт бор. Шундай экан, уни тежаш ма-даниятини оиладан бошлаш, даладан саноатгача бўлган барча тизимда са-марадорликни ошириш зарур. Чунки ҳар бир кичик қадам катта ўзгариш-ларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, сув оддий ресурс эмас. У ҳаётнинг ўзи. Уни йўқо-тиш имкониятини йўқотиш демакдир. Бугун биз уни қандай бошқарсак, эр-танги ҳаётимиз шунга монанд шакл-ланади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Тиббиёт

САРАТОН — ЖИДДИЙ ХАСТАЛИК. СЎНГ-ГИ ПАЙТЛАРДА БУ ОФИР ДАРД НАФАҚАТ КАТТА ЁШЛИ ИНСОН-ЛАР, БАЛКИ БОЛАЛАР ОРАСИДА ҲАМ КўП УЧРАМОҚДА. ШУ-ЛАРДАН БИРИ ЛЕЙ-КОЗ(ОҚҚОН)ДИР.

ОҚҚОН БЕДАВО ДАРД ЭМАС

БЕЛГИЛАР

Халқ орасида «оққон» номи билан юритилади. Касаллик пайти қонда турли салбий омиллар таъси-рида ўзгариш рўй бериб, ўсма хужайралари пайдо бўлади. Улар меъёрда қон ишлаб чиқаришни ўзгартириб юборади. Оқибатда лейкоцитларнинг бошқа нормал тур-лари ҳосил бўлиши камаydi ва беморда камқонлик – ане-мия юзага келади. Шунингдек, тромбоцитлар камайиб, қон ивиши секинлашади. Натижада бемор болаларда тез чарчаш ва ҳолсизлик, тери оқариши, сабабсиз қон кетиш-лар ёки кўкаришлар, иситманинг узоқ давом этиши, ин-фекцияларга тез-тез чалиниш, суяк ва бўғимларда оғриқ кузатилади

ТИББИЙ ЁРДАМ

Лейкоз касаллигига чалинган болаларга сифатли ва ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш, хаста-ликка эрта ташхис қўйиш ва олдини олиш ҳамда самарали даволаш борасида Болалар гематологияси, он-кологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий тиб-биёт маркази мамлакатимиздаги бош муассаса ҳисобла-нади. Президентимизнинг тегishли қарори асосида ушбу марказ алоҳида муассаса сифатида ташкил этилган. Ҳо-зирги кунда бу ерда кўнлаб онкологик, гематологик ва он-кологик хасталиклар бўйича донмий скрининг текширув-ларидан ўтказилади. Агар оилавий шифокор кўриқлар давомида касалликка шубҳа қилса, беморни онкогемато-лог қабулига юборади. Муолажаларнинг илк босқичи Бо-лалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммуноло-гияси илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилади.

НОТЎГРИ ТУШУНЧА

Сир эмас, халқимиз орасида «Оққоннинг давоси йўқ», деган тушунча шаклланиб қолган. Бироқ бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Сабаби ҳозирги замонавий тиббиётда лейкозни даволаш имкониятлари мав-жуд. Бизнинг юртимизда ҳам ушбу хасталикка чалинган болажонларнинг аксарияти бутунлай соғайиб кетмоқда. Бунинг учун эса ўз вақтида мутахассисга мурожаат қи-лиш, касалликни эрта босқичда аниқлаш, шифокор тав-сияларига тўлиқ амал қилиш, узлуксиз ва тўғри давола-ниш талаб этилади. Айниқса, ота-оналар фарзандлари саломатлигига жуда эътиборли бўлишлари зарур.

ХАСТАЛИК ҚАЙТАЛАНДИМИ?

Мутахассисларнинг фикрича, касаллик қайтала-ниши мумкин. Бундай ҳолат асосан даволаниш жараёни-ларига тўлиқ риоя қилмаган беморлар орасида кўп учрайди. Қолаверса, айрим ота-оналар фар-зандида ушбу касаллик аниқланганини би-ла туриб, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмай, ўзбошимчилик билан даволанишга ҳаракат қилишади. Оқибатда қим-матли вақт беҳуда соврилиб, беморнинг ахволи янада оғирлашади.

Шу боис, ота-оналардан фарзандида юқоридаги бел-гилар пайдо бўлиши биланоқ шифокорга мурожаат қи-лишларини сўраймиз.

Сапура ИБРАГИМОВА,
гематолог-шифокор

Тил доимий ўзгариб боради. Бу унинг та-биий хусусиятидир. Бироқ охирги йил-ларда кўпинча шундай фикрлар учрайди: гўёки замонавий ёшлар тилни «бузмоқда» — сленгдан фойдаланмоқда, сўзларни қисқартирмоқда, чет тиллардан кўнлаб сўзларни қабул қилмоқда ва адабий тил қондаларига риоя қилмаяпти. Шу ўринда савол туғилади: бу ҳолат тилнинг дегра-дациясими ёки унинг ривожланиш босқи-чими?

Ёшлар нега бошқача гапираётганини бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан

ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР МУЛОҚОТИ тил деградациясими ёки ривожланиш босқичи?

бири — рақамли муҳит таъсири. Ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва интернет тез-кор ва қулай мулоқотни талаб қилади. Шу-нинг учун одамлар вақтни тежаш мақса-дида сўзларни қисқартиришга интилади. Масалан, тўлиқ шакл ўрнига қисқартма-лар, аралаш ёки инглизча сўзлардан фой-даланиш оддий ҳолга айланди.

Бундан ташқари, ёшлар тили муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Яъни у инсонга маълум бир гуруҳга мансублик

ҳиссини беради. Сленг ўзига хос «код» ва-зифасини ўтайди: уни фақат шу муҳитда-гилар тушунади. Масалан, талабалар ёки муайян интернет платформалари фойда-ланувчилари ўртасидаги иборалар катта ёшдагилар учун тушунарсиз бўлиши мум-кин. Демак, тил шахснинг ижтимоий иден-тификацияси воситаси бўлиб қолди.

Албатта, танқидчилар ҳам йўқ эмас. Улар-нинг фикрича, бундай ўзгаришлар тил дегра-дациясига олиб келади. Ёшлар грамматик қои-

даларни кўп ҳолларда эътиборсиз қолдиради, натижада фикрни аниқ ва равшан ифода-лаш қобилияти пасайиши мумкин. Айниқса, расмий ёки академик муҳитда бу жиддий му-аммога айланиши эҳтимолдан холи эмас.

Бироқ бу ерда муҳим жиҳат контекстни тўғри англашдир. Бир инсон дўстлари би-лан мулоқотда сленгдан фойдаланиши, би-роқ расмий ёзишмаларда адабий тил меъ-ёрларига қатъий амал қилиши мумкин. Бу ҳолат тилнинг вариативлиги деб аталади,

Сиз нима дейсиз?

яъни вазиятга қараб нутқ услубини танлаш қобилияти.

Тарихга назар ташласак, бундай жараён-лар доим кузатилган. Бугунги кунда оддий қабул қилинаётган кўнлаб сўзлар бир вақт-лар янги ҳисобланган ёки танқид қилинган эди.

Ёшлар тили муаммо эмас, балки имко-ниятдир. У тилнинг жонли, мослашувчан ва ривожланишга қодир эканини кўрсатади. Демак, уни инкор этиш ўрнига, тушуниш ва тўғри йўналтириш муҳим саналади.

Меҳрибону АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент кимё халқаро университети талабаси

Бахтиёр ранглар

Ранг-тасвири овозсиз мусиқа дейишди ёки суратни тилсиз қўшиққа менг-зашади. Иккаласи ҳам илоҳий санъат — Худо бермаса, бу йўлга ҳеч ким бўйлай олмайди, ҳатто бу касбларни ҳаёлига сигдира ҳам олмайди. Ахир ҳофизлар ҳам, рассомлар ҳам кимларнингдир назарида «Мажнун одам»лар-ку...

— Шундай, — дейди умрининг қарийб минг ойини қоралаб қолган рассом ёш болалардек қўзи чақнаб. — Онам қишлоқ мактабининг бошланғич синф ўқитувачиси эди, қўз олдимда қоядек тураверади. Отам Муҳаммаджон Назаров ҳам маорифчи, мактабда раҳбар ҳам бўлган, Иттифок халқ маорифи аълочиси эди. Улар жуда болажон эди. Оғир йилларда биз уч нафар фарзандлар қатори «детдом»дан беш болани олиб, ёнма-ён тарбиялашди. Уйдаги ҳамма ишнинг бошида ойижоним Унсинхон Умаралиева турган. Мактабда ҳам илғор бўлган. Ахир «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони бекорга берилмайди. Турмушда ҳам тақдиримдан ёлчидим. Умр йўдошим — врач, ҳамон бошимда парвона. Ижодимнинг бош йўналиши, бугунги натижалар шундан, мени қуршаб олган мухтарма Аёл-дан, деб бемалол айта оламан.

Гап йўқ. Бу ҳақиқатга фақат ижодининг маълум мавзусини эмас, бутун умри махсулини бағишласа ҳам бўларкан. Аслида шундай ҳам. Отахон суратлар қаршисида маҳзун ва мағрур қўл қовуштириб, буни тасдиқлагандек бўлади. «Бори-да...» дегандек жилмаяди унинг унсиз нигоҳлари. Махсул эса чакки эмас, дунёнинг қирққа яқин мамлакатда ижодий сафарлар, нуфузли кўргазмаларда иштирок этишлар, эътирофлар... Ҳаммасига табиатига мос равишда тинч-осуда йўлдан бориб муяссар бўлди, кимгадир тама қилиб ёки «ҳовли сулуриб» эришмади, фақат палитра ва бўёқни қўлидан қўймади.

— Қирқ йил «Ўзбекфильм»да рассом бўлиб ишладим, турли жанрдаги 56 та экран асарида рассом сифатида исм-шарифим қайд қилинди, — дейди у. — Ишмининг сифатини билмадим, муҳлислар «Шум бола», «Суюнчи», «Масҳарабоз», «Маъриф ва Шариф», «Катта ва кичик ҳаёт» сингари фильмларни эслашар. Шуларда жиндақ ҳиссам борлигидан хурсандман.

Кино соҳасидаги фаолиятида эслайдиган, эътироф этиладиган ўринлар бисёр: марокашлик режиссёр Бембаркининг Испания, Ўзбекистон, Россия киноижодкорлари ҳамкорлигида суратга олган 9 серияли «Уч қиролнинг уруши», АҚШлик Конрад Шиллернинг 9 сериялик «Пётр I» телефильмининг Бухорода олинган лавҳаларида унинг хизматидан самарали фойдаланишди. Албатта, бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бугун рассом умр мазмунидан рози, исқини ҳам, совуқни ҳам қониқиб билан эслайди. Ҳар қолда, ноумид бўлиб қолмади, соҳанинг «катта устازلари»дан бирига айланди. Албатта, ортга боқиб, ўтган кунларни, айниқса, болаликни ёдга олиш мароқли. Сўлим Наманганнинг Нанай қишлоғи манзаралари унинг мурғак зехнини ранглар жилосига роса тўйинтирган эди, камолот йўли

эса уни ўша замоннинг энг нуфузли бадий ўқув маскани — Беньков номидаги билим юртига олиб келди. Тахсил даври чакки бўлмаган, шекилли, уни Москвадаги кинематография институти кутиб олган. Шу билан романтикага бой ҳаёт бошланган. Олий ўқув юртининг «Кино рассоми» бўлими чинакамига имкониятларга бой даргоҳ эди. Аввало, Бахтиёр юртимиздан шу нуфузли ўқув масканида биринчи бўлиб тахсил олаётган талаба эди. Кейин эса уни бу жойга чинакамига омадли тасодиф орзусига рўбарў келтирғанди...

Беньковда ўқиб юрганида, муқовасига «Ю.И.Пименов» деб ёзилган китоб-альбомни ўзгача иштиёқ билан мутлолаа қилди, рассом Юрий Ивановичнинг ҳаёт йўли, чизган суратлар чинакамига мафтун этди. Қайта-қайта варақлади, таассуротлари жўшиб бораверди ва «Пименовдек рассом бўлман!» деб ҳайқириб юборди. Москвадаги институт қабулида обрўли ижодий комиссиянинг «Қайси рассомларни биласиз?» деган жўн саволига ҳам, албатта, Ю.И.Пименовнинг номини айтди. Ҳайъат аъзолари бир-бирига қараб олиб, «Пименовни кўрганмисиз?» деб сўради. «Йўқ, Китоб-альбомини суйиб мутлолаа қилганман»... Бир зум сукут чўкди, нима рўй берган экан, мабодо, рассом яқинда қатагон қилинганмикан? Лекин хонада бошқача акс-садо бўлди. «Пименов — менман...» деди ўтирганлардан бири овозига бир оз фаҳр ҳиссини уйғунлаштириб. Толе қулиб бокса, шундай бўлар экан, айни лаҳзада унинг тақдирга хал бўлган эди гўё.

Кино — мураккаб санъат, уни «саккизинчи мўъжиза» ҳам дейишди. Эҳрандаги лавҳаларда рассомнинг ўрни бўлакча бўлади. Иштирокчиларнинг либосидан тортиб, воқеа кечадиган жой манзарасигача танлаш-яратиш, олдинда ва ортдаги кўринишлару тасвирларнинг кетма-кет ўзгариш маромигача у ҳал қилади, лаҳзалик кўринишларда чинакам санъаткорона ечимларни у топиши ва тақлиф қилиши зарур. Қирқ йиллик фаолият шу тарзда кечди ва у давр чакки бўлмади.

Кейин эса кўнгил эхтиёжи билан ранг-тасвирга ўтди ва шу билан олгинчи қаватга богланиб қолди. Бу жойни ўша пайтдаги республиканинг раҳбари Шароф Рашидовнинг шахсан эътибори билан рассомлар уюшмаси тўғрилиб берган. Унинг портрет жанридаги дастлабки асарларидан бири — таниқли актриса Лутфихоним Саримсоқова сурати муваффақиятли чиққани ҳамкасблар томонидан қайд қилинғанди. Бир кўргазмада у намоиш этилган ва раис Раҳим Аҳмедов шуни катта раҳбарга тавсия этган. Шароф ота ижодий асарни қўриб, таъсирланган, иш шароити билан танишган ва ...раҳбарларга топшириқ бўлган. «Рашидов олакмага қўлини қўйиб, «Ўғлим...» деб мурожаат қилди», Бахтиёр бобо бутун шу лаҳзани ўзгача ифтихор билан эслайди.

Улуғ зотларнинг назарида ҳосият қўп-да, зиналар бўйлаб қўтарилган йўл уни жаҳонга олиб чиқди, рангтасвирнинг барча жанрида баракали ижод қилди. Одати бўйича бировдан таъма кутмай, билак ва ақл кучига зўр берди. Бутун яраткичларидан бир қў нурдек ўтиб борди: ватанпарварлик! Юқори қаватдаги устасхона деразасидан таралиб турадиган мунавварлик муттасил шунга ундарди гўё. Таассуротлар хориждами, ижодий анжу-

Коинот миқёсида инсон умри пашшанинг умридай гап. Бироқ инсонга тафаккур ато қилинган, шу нарса унинг умрини узайтиради. Лекин акси ҳам бўлади — кескин қисқартиради ҳам.

Очерк



манлардами, Ўзбекистондек гўзал юртни бутун меҳри билан севишни тақорларди. Қиёсларида бу жаннатмонанд диёрнинг ўхшашини тополмасди. Қирққа яқин салоҳияти бир-бирдан баланд мамлакатда бўлди, улар она юртига меҳрини янада алангалатди. Тарихга, айниқса, Темурийлар даврига мурожаат қилганда ҳам, манший мавзуга қўл урғанида ҳам, бетимсол сиймоларни холсиз суратлантирганда ҳам шу туйғу ҳамроҳ бўлди.

Академик рассом Бахтиёр Назаровнинг ижоди билан умумий тарзда танишган муҳлис унинг бисотида тарихий мавзудаги асарлар салмоқли эканини ҳис қилади. У Темурийларга бағишланган турли жанрларда юзга яқин асарлар яратган. Жумладан, мураккаб тақдир эгаси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар мазусида эса 30 йиллик ижодини тартибга солиб, 24 та сурат тахтлади. Рассом чизган Бобур портрети кўпалаб кўргазмаларда намоиш қилинган, жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинган.

Бинобарин, тарих сирлардан сўзлайди. «Лазги» рақсига ишланган безаклар, либосларнинг ўзи бир олам. «Лазги» эса, шубҳасиз, дунёвий санъат намунаси. Бахтиёр Назаровнинг бу мавзу — «Лазги» рақси ҳақидаги ўрналб суратлари дунёни айланб чиқди, юртимиз довругини миллионлаб қалбларга мухрлади. Бу жараён давом этмоқда. Яқинда ансамбль раққосалари рассом устасхонасида бўлдилар. Ижодкорларнинг мулоқоти жуда қўр олди, маликалар ҳайратларини яшира олмадилар. Ранглар улар тўғрисида қўшиқ қуйларди.

«Лазги» туркумидаги суратлар 20 дан ошди, уни 30-35 тага етказиш ниятим бор, дейди навқиронлик кучига тўлган рассом ишонч ва ишбилармонлик билан.

Пекинда ўтган кўргазмасида бир япон унинг асарига қизиқиб қолди, шунчалик таъсирландики, унга ватани Японияни таништиришни истади, шу мавзуда суратлар чизишини илтимос қилди. Албатта, «Японияни кўрганмисиз?» деб сўради бошида. Инкор жавобини олғач, шундай иктидор эгаси Японияни билмаслигидан афсуслангандек бўлди-да, «Эҳ, мен сизни юртимга тақлиф қи-

ламан», деган гапни баралла айтди. Шундан сўнг алоҳида таржимон ёллаб, у билан рассомга бир ҳафталик йўлланма тўғрилаб берди, ҳамма харажатларини ўзи қўтарди. Яна дедики, «Албатта, суратлар чизинг, ҳаммасини ўзим сотиб оламан».

— Қуёш юртида бир минг етти юз километр йўл юриб, унинг мўъжизалари билан танишдим. Бу ижодимга янги мавзулар ҳада этди. Ўша япон тимсолида мен юртсеварлик нима эканини ҳис қилдим, — дейди рассом.

Мусаввир мўйқаламини қўлдан қўймайди. АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Марокашда шахсий кўргазмалари бўлган эди, энди юрт бўйлаб сафарга чиксам, дейди. Яқинда Наманганда суратларини юртдошларига намоиш этди. Энди Қўқон чорляпти.

Албатта, ҳаёлот чексизлиқни заёт этади, имконият эса ерда ўрмалаб юради. Бир вақтлар машхур кинорежиссёр Латиф Файзиев хинд ҳамкасби Умеш Меҳра билан ижодий ҳамкорлиқни йўлга қўйган эди, дастлабки асар ҳам яратилди. Бу мулоқотнинг давоми бор эди, афсуски, умр вафо қилмади. Кани энди, ўша хайрли ва истиқболли ишлар давом эттирилса, мавзулар етарли эди. Ахир Хиндистон тарихида боболаримизнинг ҳисасини дунё эътироф этади. Аммо буни хинг хан орқали ҳикоя қилиб, миллионларга етказса олдимки? Миллий киномиздаги кейинги ўзгаришлар нуруний санъаткорни мамнун этмоқда. Энди ундан самаралар кутишга ҳақимиз. Санъатимиз, тарихимизнинг дунё тамаддунда ўрни бекиёс. Уларга биз чин маънодаги меросхўр бўлмасак, бошқалар эгаллаб олади...

— Рассомлик бир чети бўёқчиликка ўхшайди, — дейди Бахтиёр Назаров. — Бир кун мўйқаламини ишлатмаса, бўёғи қуриб қолади. Ҳали йиллар давомида шаклланган ва режага кирган ишлар бисёр. Уларни амалга оширишда шогирдлар, энди эса фарзандлар ҳам камарбаста. Ўғлим Беҳзод йўлимдан кетди. Кинорассом сифатида «Паҳлавон Маҳмуд» фильмида бош рассом бўлиб ишмин давом эттирарди. Ҳафтада бир кун рассомлик ва дизайн олий ўқув юртидаги шогирдлар билан учрашиш менга ёшлик ғайратини қайтарди.

Кино рассомлигиндан академик бўлган санъаткор бугун чинакам устоз мақомида. Унинг асослаган йўли ўз издошларини кутяпти. Камоллидин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти талабалари ҳам касб маҳоратини, ҳам ҳаётий сабоқларни олиб, рассом устасхонасида улағйишмоқда. Албатта, улар ҳам катта анъаналарга эга бўлган миллий рассомлик санъатининг муносиб давомчилари бўлишди.

Юртимизда рангтасвир санъатининг қатта ва нуфузли мактаби юзга келган. У Ўрол Тансиқбоевнинг манзаралари, Шамсирўй Ҳасанованинг натюрмортлари, Чингиз Аҳмаровнинг миллий руҳдаги асарлари, Исқандар Икромовнинг китобат рассомчилик санъати, Раҳим Аҳмедов, Незмат Қўзибоев, Рўзи Чориевнинг бетакор асарлари билан дунёга юз тутган. Уларнинг ҳар бири жаҳон миқёсида бетакор қиёфага эга санъаткорлар. Зокир Иноғомов, Маннон Саидов, Қутлуг Башаров, яна қанча улуғ мўйқалам усталари бу соҳанинг таниқли вакиллари ҳисобланишди. Албатта, бу мактаб ўз анъаналарини давом эттирарди. Муболағасиз, ўзбек рангтасвир санъати дунёдаги энг йирик ижодий мактаблардан бири. Мазкур ҳақиқатга бу сафар диққат марказида бўлган Бахтиёр Назаровнинг ўзига хос ижодий оламини кашф этиб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

...Дераздадан тушган ёруғлик ўз жилвасини тасвирда қўриб, бахтиёрлигини яширмапти. Устасхонада яратиш жараёни бир зум тиним билмасин...

Тақдимот

Ҳақим САТТОРИЙ

Тақдимот

талқинда акс этган. «Фақат сен» тўплами эса ишқ ва садоқат, меҳр ва вафо сингари абадий мавзуларни самимий оҳанг, нафис бадий тасвирлар орқали очиб беради. Тақдимотда ушбу китоблар муаллиф ижодининг навбатдаги етук босқичини намоён этиши билан бирга, замонавий ўзбек адабиётининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши айтилди.

Тадбирда устоз ва шогирд анъаналари, адабиётнинг бугунги тараққиёт йўли, китобхонлик маданиятини юксалтириш масалалари ҳам муҳокима марказида бўлди. Ижодкор шеърларидан намуналар ўқилди, ҳаёти ва ижодига бағишланган илиқ фикрлар, самимий тилақлар билдирилди.

Ўз мухбиримиз



Аҳмад ТўРА олган сурат



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Феруза Раҳимова ижросида

«РАЪНОЛАНМАСУН»
ҚЎШИҒИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир ва публицист Абдура-сул Жумақулнинг 60 йиллик юбилейи ҳамда «Кундузги чироқ» ва «Фақат сен» номли китоблари тақдироти ўтказилди. Унда шоир ва ёзувчилар, журналистлар, олимлар ҳамда ёш ижодкорлар қатнашди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сиро-жиддин Саййид очиб, ижодкорнинг ўзбек адабиётидаги ўрни, бадий тафаккури, ҳаётий кузатувларга бой асарлари, инсон қалбининг нозик қатламларини те-ран ифодалашдаги маҳоратини алоҳида таъкидлади.

Таниқли ижодкорлар Абдусайд Кўчимов, Муҳаммад Али, Маҳмуд

Бог аро юзланки, то гулчехра раъноланмасун, Сабзасин помол қил, раъноси зеболанмасун.

Тўғри қазани



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOSLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-83

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahib:

Umid XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti:

Topshirish — 22:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilaylashtirgan tashkilot javobgar.

ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКА ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Ёшлар ишлари агентлигида филология фанлари доктори, журналист ва медиамураббий Бегуний Алимовнинг «Журналистикада сунъий интеллект даври» номли монографияси кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Мазкур асарда сунъий интеллектнинг журналистикадаги ўрни, унинг кенг имкониятлари билан бир қаторда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар, фактчекнинг, ахборот хавфсизлиги каби долзарб масалалар ёритилган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда «Ёшлар овози» газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган тақдиротда сўзга чиққанлар ушбу китоб ўсиб келаётган ҳар бир ёш журналист, талабалар ва медиа соҳасига қизиққанлар учун муҳим қўлланма бўлишини қайд этишди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Театр

САҲНАДА «УЛУҒ ТЕМУР»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида Амир Темур та-валлудининг 690 йиллигига бағишланган «Улуғ Темур» номли спектакль намоиши бўлиб ўтди. У иқтидорли талабаларидан ташкил топган «Атсо Арт» театр-студияси жамоаси томонидан Нурали Қобулнинг «Темурийлар» эпопеяси мотивлари асосида саҳналаштирилди.

Талабалар спектакль давомида асар муаллифи ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов қаршиида актёрлик маҳоратларини кўрсатишди.

Ушбу саҳна асари нафақат томошабинларга эстетик завқ бағишлади, балки ёшлар қалбида тарихимизга, буюк аждодларимиз меросига бўлган ҳурмат ва фахр туйғуларини янада мустаҳкамлади. Амир Темур сиймоси орқали ифодаланган жасорат, донишмандлик ва ватанпарварлик ғоялари талабаларнинг ижросида ўзига хос кўри-нишда намоён бўлди.

Эъзоза УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»

Тадбир

«МЕНИ ИШГА ОЛАСИЗЛАРМИ?»

Иш топиш бу фақат даромад эмас, балки инсоннинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши ҳамдир.

Яхши жамоада инсон завқ билан меҳнат қилади, ўсади, ўрганади, тажриба орттиради. Айниқса, иш берувчиларнинг ҳам талаблари тез ўзгараётган, янгиланаётган бир даврда университетларда уларнинг талабалар билан учрашуви ташкил этилиши жуда фойдалидир. Яқинда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида «Келажакка қадам» дастури доирасида иш берувчилар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ ташкилот вакиллари қатнашиб, ёшларга ўз жамоаси, мавжуд бўш иш ўринлари ва ишга қирмоқчи бўлган ходимларга қандай талаблар қўйилиши бўйича маълумотлар беришди.

— Талабаларда «Иш борми?», «Кимга мурожаат қилсак бўлади?», «Қандай ходим керак?», «Маош қанча?» деган саволлар қўп бўлади. Бугун ушбу кўргазмада иштирок этиб, уларнинг барчасига жаваб беряпмиз, — дейди «Миллий тикланиш» газетасининг бўлим муҳаррири Маҳбуба Қаримова. — Айниқса, «Борсам, ишга оласизларми?» деган савол бот-бот берилди. Унга жавобан тахририятимизга ишга қирмоқчи бўлган ходимга нисбатан қандай талаблар қўйилиши ҳақида тушунтирдик. Талабалар нафақат иш ўринлари билан қизиқишди, балки тахририятимизга амалиёт ўташ учун келиш истагини ҳам билдиришди.

Университетнинг 2-босқич талабаси Азизбек Абдувалиев спорт журналистикасига қизиқди. У кўргазмада қатнашаётган бир нечта ОАВ вакиллари билан суҳбатда бўлиб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

— Иш берувчилар билан бугунги мулоқотимиз келажакда ўзимизни ишга киртиш учун тайёрлаб боришимизга асқатади, — деди у.

Зебо НАМОЗОВА

«ISHONCH»

Ўқилди

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан «O'zbekiston MTRK teletraditionmarkazi» DM овоз ёзиш оператори Нурматова Дилрабо Рустам қизи номига берилган №5075-сонли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Umumiy adadi 55 228 ta

Shundan: 6 556 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 471 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-511**